

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 16 август, № 165 (8788) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**15 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари жорий йилнинг 26 — 28 май кунлари Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки мамлакат етакчи корхоналари ва ҳудудлари ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантириш, қўшма инвестиция лойиҳалари ва гуманитар дастурларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирилган чоралар кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Суҳбат чоғида бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

**15 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.**

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан тасдиқланаётган Тадбиркорлик кодексида 100 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатларини унификация қилиш назарда тутилган бўлиб, унинг асосий мақсади тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Шунингдек, кодексда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ундан манфаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, хусусий мулк, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифа сифатида белгиланмоқда.

Кодексда тадбиркорлик фаолиятининг асосий принциплари унификацияланган ҳолда мустаҳкамланган: қонунийлик, тадбиркорлик эркинлиги, тадбиркорлик субъектлари тенглиги, ҳалол рақобат, коррупциядан холилик ва бошқалар.

Кодекс билан тадбиркорлик субъектлари кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратилмоқда (амалда тоифа сифатида фақат кичик тадбиркорлик субъекти мавжуд эди).

Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлмаган фаолият турлари белгиланган ҳолда уларга қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи берилмоқда.

Тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг чегаралари ва тартибга солиш шакллари белгиланмоқда ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилмоқда.

Кодексда ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий корхона, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари рўйхати ва уларни, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш механизмлари мустаҳкамланмоқда.



Шу билан бирга, кодексда бизнес-инкубаторларнинг ҳуқуқий мақоми, мақсад ва вазифалари белгиланмоқда ҳамда давлат корхоналарига рақобатни чекловчи имтиёз ва преференциялар бериш тақиқланмоқда.

Тадбиркорлик кодексининг қабул қилиниши тарқоқ қонунчилик ҳужжатларини ягона ҳужжатга бирлаштириш, тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини барқарорлаштириш, давлатнинг тадбиркорлик соҳасига аралашувини камайтириш, шунингдек, тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасида ягона ёндашувни белгилашга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун қизғин муҳокамадан сўнг сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Конституциявий қонун муҳокама қилинди.

Мазкур қонун ҳукумат фаолиятини янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш ва унинг замонавий шароитда самарали ишлашини таъминлашга қаратилган.

Қонун билан Вазирлар Маҳкамасининг вазифа ва ваколатларига доир бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар мустаҳкамланмоқда. Хусусан, ижро этувчи ҳокимиятнинг иқтисодиёт, бюджет, молия, солиқ, ижтимоий, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ваколатлари аниқ белгиланмоқда.

Шунингдек, Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва вазирларни лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби, уларнинг мажбуриятлари, вазифалари ҳамда шахсий жавобгарлиги аниқлаштирилмоқда.

➡ 2

**Эътироф**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ОЛИМПИЯ МАМЛАКАТИ

*Франциянинг етакчи оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон спортчилари "Париж — 2024" ёзги Олимпия ўйинларида қўлга киритган тарихий натижаларни ёритишда давом этмоқда.*




"Ўзбекистон спортчилари "Париж — 2024"да муваффақиятли иштирок этди. Жами 13 та медаль (8 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза) қўлга киритган ўзбек атлетлари ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган 200 дан ортиқ давлатлар орасида 13-ўринни эгаллади", дейилади "lagazetteaz.fr" ахборот агентлиги тарқатган "Ўзбекистон — янги Олимпия давлати" сарлавҳали мақолада.

➡ 3

**Рае Квон ЧУНГ:**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ОРОЛ ДЕНГИЗИ ЭКОТИЗИМИНИ ТИКЛАШДА СЕЗИЛАРЛИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ

*Пан Ги Мун жамғармаси ижрочи директори, БМТ Бош котибининг иқлим ўзгариши бўйича собиқ маслаҳатчиси, Нобель мукофоти соҳиби Рае Квон Чунг "Дунё" АА учун интервью берди ва унда Ўзбекистон ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг Орол денгизи экотизимини тиклашга доир саъй-ҳаракатлари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.*

**Дунё нигоҳи**

— Орол денгизининг қуриши инсоният тарихида биз гувоҳи бўлган энг жиддий экологик фожиалардан биридир. Шу йилнинг май ойида Нукусга амалга оширган ташрифим чоғида Ўзбекистон ҳукумати Орол денгизининг қуриши натижасида жиддий зарар кўрган экотизимни тиклаш бўйича кенг кўламли лойиҳаларни қандай рўёбга чиқараётганига шахсан гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистоннинг Орол муаммосини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари жуда ҳайратланарли. Ишончим комилки, бу ташаббуслар минтақа экотизимини сезиларли даражада ўзгартириб, яшил ҳудудларни кўпайтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Орол денгизининг қуриган тубида нафақат янги ҳаёт яратиш, балки денгиз сувини қайтаришга ҳам ҳаракат қилишимиз керак. Орол денгизининг қуриши оқибатида пайдо бўлган чўлни ўрмонга айлантириш самарали қадам, аммо Орол денгизига сувни қайтариш устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина сув сатҳи кўтарилиб, балиқлар минтақага яна қайтади ва аҳолининг яшаш шароити яхшиланади.



Бу мақсадга эришиш суғориш тизимини такомиллаштиришни, пахта етиштиришда сувни тежаш учун аквапоника, интенсив боғдорчилик каби янги технологияларни жорий этишни тақозо қилади.

Шу ўринда Ўзбекистон ҳукумати суғориш тизимини янгилаш бўйича замонавий технологияларни, масалан, аквапоникани фаол жорий этаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ушбу технологиялар сув ресурсларини тиклашнинг энг самарали усулларидан биридир. Айни пайтда Ўзбекистонда пахта етиштириш бўйича экологик жиҳатдан фойдали лойиҳа ҳам амалга оширилаётир.

➡ 3

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### Иқтисодчилар музокара платформаси

*Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси томонидан "Иқтисодчилар музокара платформаси"нинг илк учрашуви бўлиб ўтди.*

Учрашувни қўмита раиси Ҳалилилло Тўрахўжаев кириш сўзи билан очиб, қўмита ҳузурида "Иқтисодчилар музокара платформаси" ташкил этилишининг асосий мақсад ҳамда вазифаларига тўхталиб ўтди.

Тадбирда иқтисодчилар, экспертлар, халқаро ва миллий миқёсдаги тадқиқотчи олимлар товар ҳамда молия бозорларида бизнесни ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари, истеъмолчилар ва биржа соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида ўз таклифларини билдирди.

### Махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари учун ўқув қўлланмалар яратилди

*Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Фуқаро муҳофазаси институти ҳамкорлигида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ўқувчилари учун фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга ўргатувчи ўқув қўлланмалар яратилди.*

Ушбу қўлланмалар тақдимотига бағишланган тадбирда тўғри ҳаракатланишга ўргатувчи 18 номланишдаги Брайль алифбосида чоп этилган ўқув адабиётлар, 40 та мавзудаги сурдотаржимон орқали электрон қўлланмалар ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ҳамда Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси вакилларига тақдим этилди.

Қўлланмалар юртимиздаги барча мактаб-интернатга етказилиши режалаштирилган.

**«Халқ сўзи».**

**20 август — Тадбиркорлар куни**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

## ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ҚУЛАЙ, ИҚТИСОДИЁТИ БАҚУВВАТ ВА ФАРОВОН МАМЛАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

*Президентимизнинг тадбиркорлар билан мулоқоти ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида ҳал қилувчи аҳамият касб этибгина қолмай, бизнес эгалари онгини чин маънода уйғотиш, уларда бунёдкорлик руҳини янада кучайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.*

*Мамлакат раҳбарига ҳар бир тадбиркор, мулкдор, бизнес эгасининг фикри нима учун муҳим? Айтиш мумкинки, уларнинг хоҳиш-иродаси, ўзгаришларга нисбатан фикри, келажак ҳақидаги тасаввурларини англаш муаммоли жиҳатларни илғаб олиш ва ўз вақтида ечим топишда зарур. Ўз навбатида, тадбиркорларнинг мурожаатлари соҳадаги ҳақиқий аҳволни кўрсатувчи индикатор, ўзгаришларни ўрганиш барометри, таҳлил учун керакли маълумотлар ҳамдир. Бу янги механизм тадбиркорларнинг масъул муассасалар олдида сарсон-саргардонлиги олдини олмоқда. Ўзбекистонда янги ишбилармонлар синфининг шаклланишига хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида тадбиркорлик маълум доира вакиллари эмас, балки оддий халқ орасида оммалашаётган катта тармоққа айланди.*

➡ 4



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

1 Бундан ташқари, қонунда ҳукумат фаолиятининг масъулияти ва очиқлигини оширишга қаратилган қатор муҳим ўзгартиришлар акс этган. Жумладан, Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва вазирлар ҳар йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасига мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан ҳисобот тақдим этиши назарда тутилган.

Ҳукумат фаолиятида иш тартибини соддалаштириш учун янгича ёндашувни таъминлаш мақсадида мазкур қонун билан Вазирлар Маҳкамаси доирасидаги барча масалалар ҳукумат мажлисларида ҳал этилиши белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, вазирларнинг турли йўналишлар бўйича масъулияти ва шахсий жавобгарлиги кучайтирилмоқда.

Жумладан, ўзи раҳбарлик қилаётган вазирликда ишни самарали ташкил этиши, бириктирилган соҳа ва тармоқларда ягона давлат сиёсатини самарали олиб бориши, уни ривожлантириш бўйича натижа ва оқибатлар учун шахсан жавобгар бўлиши белгиланмоқда.

Қизғин кечган муҳокамада сенаторлар мазкур қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг турли даражалари ўртасида изчиллик ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш тамойилига асосланиши, бу эса самарали давлат бошқарувининг асосий омили эканини қайд этди.

Муҳокама якунида сенаторлар қонун давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришда, унинг самарадорлиги ва аҳоли олдидаги масъулиятини янада оширишда муҳимлигини таъкидлаб, уни маъқуллади.

Шундан кейин ялпи мажлисда “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда болаларга нисбатан содир этилаётган зўравонликлар сони ошиб бормоқда. Мавжуд ҳуқуқий механизмлар унинг олдини олиш ҳамда жабрланувчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда етарли самара бермаяпти.

Охирги 3 йилда 2 мингдан ортиқ фуқаролар судлар томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, шундан 86 фоизи ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортганлиги учун жавобгарликка тортилган.

Қонун болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Хусусан, зўравонлик туфайли жабрланган шахс ариза билан тегишли ваколатли органларга ёки судга мурожаат этиши, махсус марказларда, шунингдек, бепул телефон линияси орқали бепул ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Қонун билан илк бор янги институт жорий қилинмоқда. Зўравонликдан жабрланган болаларга ҳимоя ордери бериш тартиби йўлга қўйилмоқда. Ушбу ҳимоя ордери ички ишлар органлари томонидан ўттиз кун муддатгача берилади ва ваколатли давлат органи иштирокида жабрланувчига топширилади.



Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Агар таҳдид ҳали бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг аризасига кўра жиноят ишлари бўйича суд томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин.

Қонунда жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсациясини талаб қилиш ҳуқуқи акс эттирилмоқда.

Шунингдек, қонунда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мазкур йўналишда фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ кўрсатиб ўтилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига зўравонликдан жабрланувчи, шунингдек, ўзларига нисбатан зўравонлик содир этиш хавфи остида бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда зарур ҳолларда уларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар қўлланилишини таъминлаш бўйича вазифалар юклатилмоқда.

Қонун билан ота-оналар масъулияти яна бир карра оширилмоқда. Жумладан, ота-оналар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиши, уларга ғамхўрлик кўрсатиши ҳамда зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиши шартлиги, болаларни тарбиялашда уларни жисмоний жазолаш тақиқланиши назарда тутилмоқда.

Муҳокама жараёнида ушбу қонуннинг қабул қилиниши болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига муросасиз муносабатда бўлиш ва зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда “Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” деган эзгу ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди, шунингдек, унинг ҳузурида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари иш бошлади.

Шу муносабат билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ваколатлари, шунингдек, аҳолини қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдам турларини қонун ҳужжатларида аниқлаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур ҳужжат билан айрим қонунларга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг зиммасига дафн этиш учун нафақани бериш вазифасини юклаш, унинг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилаш, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларга ва маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод этиш билан билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, қонун билан киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланиши учун даволаш муассасасининг хулосаси талаб этилмайди.

Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қонун билан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар йўқолган ёхуд яроқсиз ҳолга келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси ёки биометрик паспортини алмаштиришда давлат божини тўлашдан озод қилинмоқда.

Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийлик қилиш учун йўналтирилган маблағлар солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритилиши белгиланмоқда.

Мазкур қонун ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламларининг манзилли ва самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтириш, шунингдек, ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларнинг сифатини оширишга хизмат қилиши сенаторлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг давлатларнинг космик фазони тадқиқ қилиш ва фойдаланиш, шу жумладан, Ой ва бошқа осмон жисмлари (Лондон, Москва ва Вашингтон, 1967 йил 27 январь) фаолият принциплари тўғрисидаги Шартномага қўшилиши тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда космик фаолият жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашуви ва ахборотлаштириш жараёнида муҳим ўрин тутмоқда.

Дунёнинг барча етакчи ва кўплаб ривожланаётган давлатлари томонидан космик фазони ўрганиш ва ундан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, космик салоҳиятдан иқтисодий, мудофаа, техник, илмий, ижтимоий, маданий ва халқаро манфаатларни амалга ошириш учун фойдаланиб келинмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси халқаро аренада ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда космик фаолиятни амалга ошириш, шунингдек, технологиялар трансферини жадаллаштириш мақсадида халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳужжатларни қабул қилиши ёки қўшилиши долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Таъкидланганидек, Шартнома 1967 йил 10 октябрда кучга кирган ва 2024 йил ҳолатига кўра унга 114 та мамлакат қўшилган.

Шартноманинг ратификация қилиниши Ўзбекистоннинг космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш, космоснинг барча ҳудуди ва осмон жисмларига эркин кириш, шунингдек, халқаро космик лойиҳаларда, ресурслар ва билимлар алмашинувида қатнашиш имкониятларини очиб беради.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик бешинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати.**

# «ҲУКУМАТ СОАТИ»ДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР КЎТАРИЛДИ?



*Аввал хабар берганимиздек, куни кеча Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган “Ҳукумат соати”да депутатларнинг шаҳарсозлик бўйича миллий стандартлар, замонавий қурилиш технологиялари, рақамлаштириш жараёнлари, шунингдек, соҳадаги давлат назоратини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги саволларига Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири в.б. Ш. Ҳидоятов жавоб берди.*

## Жараён

Муҳокама давомида депутатлар шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини такомиллаштириш ҳамда халқаро замонавий нормалар билан уйғунлаштириш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертиза қилишда уларга риоя этиш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, жойларда ўтказган ўрганишлари, сайлов округларидаги учрашувлари ҳамда фуқароларнинг мурожаатларида кўтарилаётган долзарб муаммолардан келиб чиқиб, вазирга бир қатор саволлар билан юзланди.

**Хусусан, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Гулруҳ Агзамова** пойтахт ва ҳудудларда янги барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойнинг том қисмида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига зид равишда хонадонлар қурилаётганини айтиб, бу ҳолатлар тизимли муаммога айланмаслиги учун уларнинг олдини олиш бўйича вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири в.б. Ш. Ҳидоятов бу борада муаммолар борлигини қайд этган ҳолда “Шаффоф қурилиш” платформасида электрон платформа жорий қилинаётгани, у объектда қурилиш ишлари бошланганда ишга тушишини айтиб ўтди. Бу вазирликдан экспертизадан ўтганидан кейин объект иш бошлаши учун “online”, яъни объект паспорти эканини билдирди.

Унинг қўшимча қилишича, бу ерда барча қурилиш материаллари, қилинаётган ишлар ресурслари киритиб борилади. Маълумотлар киритилган вақтда назорат инспекцияси платформаси билан интеграция қилинади. Шунда вазирлик “online” равишда олиб борилаётган ишларни назорат қилиб боради. Бу орқали ноқонуний қурилишларнинг олди олинади.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг яна бир аъзоси Гулбаҳор Саидғаниева** эса ҳозирда фуқаролар томонидан коммунал хизматлар учун тўловлар “Менинг уйим” электрон тизими орқали амалга оширилаётгани, лекин автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимига уланмагани сабабли коммунал тўловларни ҳисоб-китоб қилиш билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келаётганини қайд этди.

Шунингдек, халқ вакили сайлов округларидаги учрашувлари давомида ҳам ушбу масалага доир кўплаб муаммолар кўтарилаётганига урғу бериб, амалиётда бошқарув-сервис компаниялари томонидан эгалик ҳуқуқи эътироф этилгандан сўнг шартнома тузилмаган бўлса-да, уй-жой автоматик тарзда компанияга аъзо қилиниши ва қарздорлик ҳисобланаётганини айтиб, бу борада вазирлик томонидан қандай чоралар кўрилаётганини сўради.

Берилган жавобда, ҳақиқатан ҳам, коммунал тўловлар масаласида муаммолар борлиги, айрим тўловларни тўламаган фуқаролар ҳисобига доимий тўлаб борувчи фуқаролар қолиб кетаётгани, шуниng учун вазирлик томонидан биллинг тизими ишлаб чиқилиб, республика бўйича барча хонадон ушбу тизимга киритилгани маълум қилинди. Аҳоли “Менинг уйим” платформаси орқали ўз хонадонига қайси ширкат томонидан хизмат кўрсатилаётганини кўриши ва ширкатларга баҳо бериш имконига эга экани айтиб ўтилди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Анвархон Темиров** сайловчилар билан учрашувлар жараёнида аҳоли томонидан автотураргоҳлар етишмовчилиги бўйича муаммолар кўтарилаётгани, жойларда қурилган кўплаб тураржой ва бошқа объектларга турли қурилмалар ўрнатилгани транспорт воситаларининг эркин кириб-чиқишини чеклашга, оддий аҳолининг автотураргоҳлардан фойдаланишига тўсқинлик қилаётганини таъкидлаб, бу борада вазирлик томонидан қандай ишлар амалга оширилаётганини сўради.

Мутасаддилар томонидан норматив ҳужжатларга кўра энди қурилаётган барча кўп қаватли уйларда ҳар бир хонадонга биттадан автотураргоҳ учун жой ажратилмаган бўлса, ана шу архитектура қурилиш режалари учун рухсат берилмаслиги қайд этилди. Ҳозир Автомобиль назорати инспекцияси билан ҳамкорликда Шаҳарсозлик кодексига қўшимча ўзгартириш киритиш бўйича лойиҳа тайёрланаётгани ва тез орада парламентга киритилиши билдирилди.

Бундан ташқари, депутатлар томонидан маҳаллаларнинг ички инфратузилмасини реконструкциялаш ишларининг сифатини назорат қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини тураржой билан таъминлаш, урбанизация жараёнида аҳолига етарли даражада имкониятлар яратиш каби саволлар ҳам кўтарилди.

“Ҳукумат соати”да берилган масалалар ва айрим саволларга етарлича жавоб қайтарилмагани халқ вакилларининг эътирозига сабаб бўлди.

Шундан келиб чиқиб депутатлар шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати таъсирчанлигини янада ошириш бўйича ўз нуқтаи назарлари, фикрлари, таклиф ва тавсияларини берди.

**«Халқ сўзи».**

# ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

Аввал хабар берганимиздек, куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракциялари ҳамда ялпи мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йилидаги ижроси юзасидан ҳисоботи, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

## ЎзЛиДеП

Жорий ҳафтадаги фракциялар йиғилишлари кун тартибидан ўрин олган “Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунга қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси билан кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида жойлашган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш алоҳида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланмоқда.

**Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси,** шу билан бирга, **қонунга масъул қўмита раиси Шарофиддин Назаров** қонун лойиҳасининг аҳамиятига тўхталиб ўтди.

*“Амалдаги қонунчилигимизда мазкур масала бўйича айрим бўшлиқлар мавжуд эди. Хусусан, ҳозирги “Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунда кичик саноат зонаси ҳудудидаги кўчмас мулк объектларининг мажбуриятларини тўлиқ бажарган мазкур зона иштирокчисига тўғридан-тўғри сотиш имконини назарда тутмас эди. Бу камчиликлар эндиликда лойиҳадаги янги нормалар билан тўлдирилмоқда”.*

## «Миллий тикланиш» ДП

Қонунчилик палатаси мажлисида банк омонатларини кафолатлашга қаратилган қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа билан давлат томонидан омонатларни тўлиқ кафолатлаш амалиётидан воз кечилиб, кафолатланган омонат миқдорининг юқори чегараси белгиланмоқда.

Ўзбекистон **“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари ўринбосари Нодир Тилаволдиев** хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда лойиҳадаги айрим нормаларга муносабат билдирди.

*“Маърузада келтирилганидек, давлат томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг 200 млн. сўмгача бўлган омонатлари кафолатланади. Билишимча, дунё тажрибасида юридик шахсларнинг омонатлари банк томонидан кафолатланиши жудаям камдан-кам ҳолатларда учрайди. Чунки улар ўз маблағларини банкка қўйиши учун банк маълум ресурсларини сарф қилишга мажбур. Бу эса, ўз навбатида, капитал бозоримизнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин”.*

## «Адолат» СДП

Темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси **“Адолат” социал-демократик партияси фракциясида** кенг муҳокамага сабаб бўлди. Хусусан, партия фракцияси аъзоси **Музаффара Абдиева** ўзи сайланган округ — Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани мисолида қонун лойиҳаси орқали тартибга солиниши керак бўлган айрим жиҳатларга тўхталиб ўтди.

*“Бугун темир йўл станциясида касса ишламаётгани сабабли кўплаб нуронийлар менга мурожаат қилишди. Тўғри, чипталарни электрон тарзда олиш имкониятига эгамиз, аммо ёши катта инсонларнинг ҳаммаси ҳам бу замонавий технологиялардан фойдалана олмайди. Бундан ташқари, туман станциясида тўхтаб ўтувчи поездлар сонининг камлиги кўп сонли аҳолининг узоқ ҳудудларга бориб-келишида қийинчиликлар туғдирмоқда. Ўйлайманки, бу каби масалаларга қонун лойиҳаси орқали, албатта, жавоб топилиши керак”.*

## ЎзХДП

Давлат дастурининг ярим йиллик ижроси бўйича Ҳукумат ҳисоботи сиёсий партиялар фракциялари ва ялпи мажлисида қизғин муҳокама қилинди. Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботдан келиб чиқиб сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарларининг муносабатлари эшитилди.

Хусусан, **ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов** партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб айрим йўналишларда таклифларини билдирди.

*“Аввало, Ҳукумат томонидан давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, эҳтиёжманд юртдошларимизнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.*

*Шу билан бирга, дастурдаги баъзи вазифалар ижроси ўз вақтида таъминланмаяпти, бу йил якунидаги умумий натижаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёрдамнинг манзиллилигини кучайтириш, давлат ва жамият аҳамиятига молик лойиҳаларни ишлаб чиқишда реал ҳолатга таянган ҳолда нархларни белгилашни тақозо этмоқда.*

*Биз бирламчи уй-жой бозоридаги квартираларни сотиб олиш учун дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш бўйича субсидиялар миқдорини реал бозор нархидан келиб чиқиб белгилашни сўраймиз”.*

## Ўзбекистон Экологик партияси

Экологик партия фракциясида давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йиллигида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи қизғин муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Хайрулло Ғаффоров** ҳисоботдан келиб чиқиб партия позициясини билдирган ҳолда оғриқли жараён ҳақида сўз очди.

*“Айрим ҳудудлардаги ўрганишлар жараёнида оқова сув тозалаш иншооти тахминан 100 минг куб сувни қабул қилиб, тозаланмаган ҳолда Сирдарёга ташламоқда. Ҳолатни ўргансак, Экология, атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўзаро келиша олмай, халқаро стандартлар миллий стандартларимизга тўғри келмайди, деган важларни билдиришмоқда. Ушбу вазирликлар тез орада аниқ бир тўхтамга келмаса, бу ҳолат оғир оқибатларга олиб келиши мумкин”*, деди Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

**«Халқ сўзи».**

**Юртимизда 27 — 29 август кунлари дунёнинг 63 давлати ва 30 дан ортиқ халқаро ташкилотларни бирлаштирган кўп ўлчовли камбағаллик масалалари (Multidimensional Poverty Peer Network MPPN) бўйича Халқаро ҳамкорлик тармоғининг 9-йиғилиши бўлиб ўтади.**

## Рае Квон ЧУНГ:

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ОРОЛ ДЕНГИЗИ ЭКОТИЗИМИНИ ТИКЛАШДА СЕЗИЛАРЛИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ

←1 Мазкур лойиҳа пахта етиштиришда 90 фоизгача сувни тежаш имконини берувчи "ақлли" дала технологиялари ва гидропоника усулларидан фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, қуёш ва шамол энергиясининг қайта тикланадиган манбаларидан пахта плантацияларини "ақлли" парваришлаш учун фойдаланиш мумкин.

Дунёда биринчи бўлиб углеродсиз, органик ва сувни тежайдиган усуллардан фойдаланиб пахта етиштириш ўзбек фермерлари учун янги имкониятларни очиб беради. Бу эса экологик тоза пахтани Европа, хусусан, Италия ва Испания каби мамлакатлардаги машҳур мода брендларига сотиш имконини беради. Натижада фермерлар даромади ошади ва ҳудудлар иқтисодиёти жадал суръатларда ўсади.

Экологик тоза пахта етиштириш лойиҳаси нафақат сувни тежашга ёрдам беради, балки пахтачиликдан олинадиган фойдани ҳам кўпайтиради. Бундай лойиҳа сув ресурсларини тежаш ва фермерлар даромадини ошириш, шунингдек, мамлакат ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ҳозир Тошкент давлат аграр университети билан ҳамкорликда ғўзанинг экологик тоза навларини етиштириш, "ақлли" пайкалларни яхшилаш бўйича илмий изланишлар олиб боряпман. Жорий йилнинг сентябрь ойидан кейинги йилнинг ёз ойларигача мўлжалланган лойиҳамиз тижорат ва саноат мақсадларида фойдаланишга тайёрланмоқда.

Ишончим комилки, экологик тоза пахта лойиҳаси Орол денгизининг тикланишига ҳисса қўшади. Айни пайтда Ўзбекистон Президентига Орол денгизини тиклаш ва ўрмонзорларни кўпайтириш борасидаги қатъияти ва саъй-ҳаракатлари учун ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Орол денгизи минтақаси экотизимини тиклашда сезиларли ютуқлар қўлга киритилишига сабаб бўлди. Бугун биз нафақат Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларни қўллаб-қувватлашимиз, балки минтақавий ва глобал ҳамкорлик йўлида олға қадам ташлашимиз керак.

Минтақавий ва глобал қўллаб-қувватлаш ижобий натижаларга эришиш учун муҳим омил ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон ҳукуматининг чора-тадбирлари ҳам жуда муҳим. Мен минтақавий ва глобал ҳамкорлик самарали натижалар олиб келишига ишонаман.

Хулоса ўрнида айтишим мумкинки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Орол денгизи фожиасини бартараф қилиш бўйича минтақавий ва глобал саъй-ҳаракатлар муваффақиятли давом эттирилади.

# ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ ЭЪТИРОФ ЭТГАН КОНСТРУКТИВ ТАШАББУСЛАР

*Иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бугунги кунда инсоният олдида турган энг долзарб масалалардан. Ўз вақтида бу борада чоралар қабул қилмаслик ва "иссиқхона газлари" миқдори кўпайиши олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши ҳақида мутахассислар бонг урмоқда.*

## Фикр



Эътиборлиси, давлатимиз раҳбари глобал экологик таҳдидларнинг олдини олиш борасида илгари сураётган конструктив таклифлар ҳамда ташаббусларга халқаро ҳамжамият катта қизиқиш билдириб, эътироф этмоқда.

БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг ташкил этилиши, "Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисида"ги, "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш" резолюцияларининг қабул қилиниши шулар жумласидандир.

13 август куни ана шундай ҳужжатлардан бири — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Деградацияга учраган ва қурғоқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, дарахт экиш ва уларни тарғиб қилиш — экологик муаммоларга қарши курашнинг самарали ечими" резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Мазкур резолюция Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини кўкаламзорлаштириш орқали биохилмахилликни сақлаш ва тиклашга қаратилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган. Унда ўрмонларни барқарор бошқариш ва дарахт ўтказишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик афзалликлари ҳар томонлама кўрсатилган.

Резолюциянинг ўзига хос хусусияти унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сўнгги илмий йўналишларга мувофиқлигидир. Экологик тоза ва экотизимга асосланган усуллардан фойдаланган ҳолда биологик хилмахилликни сақлаш ва кўпайтириш мақсадида БМТга аъзо мамлакатларга дарахт экиш соҳасида аниқ тавсиялар берилади.

Ўтган йили 30 ноябрдан 12 декабрга қадар Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси доирасидаги "COP28" саммитида давлатимиз раҳбари иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш борасида қатор конструктив таклифларни илгари сурган ва минтақамиздаги таҳликали экологик ҳолат бўйича фикр билдирган эди.

Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожиаси туфайли Марказий Осиёда, айниқса, яққол сезилаётгани, минтақада ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўплиги, кучли чанг ва қум бўронлари одатий ҳолга айлангани, ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилмахиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар шулар жумласидандир.

Шу жиҳатдан, минтақамизда иқлим ўзгаришларига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири — Орол денгизи фожиаси оқибатларини юмшатиш, унинг қуриган тубида ўрмонлаштириш ишларини олиб бориш, Оролбўйи ҳудуди аҳолиси фаровонлигини ошириш борасида улкан ишлар удаланмоқда.

Биргина мисол, сўнгги беш йил давомида Оролнинг қуриган тубида қарийб 2 млн. гектар майдонга саксовул, черкес ва шўрга ҳамда қурғоқчиликка чидамли бошқа ўсимлик уруғлари ва кўчатлари экилди. Чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш ишлари олиб борилаётир. Бу, ўз навбатида, Орол денгизининг суви қуриган тубидан кўтарилаётган қум, туз ва чанг заррачаларининг нохуш таъсирини камайтириш, глобал иқлим ўзгаришлари, қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳоли ҳаётига салбий таъсирини янада юмшатиш имконини беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси доирасида 2023 йил давомида 221 минг гектар, хусусан, Қорақалпоғистонда 128 минг, Бухоро вилоятида 40 минг, Навоий вилоятида 42,5 минг ва Хоразм вилоятида 10,6 минг гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" барпо этилган. Айни чоғда жами 12,5 минг гектар майдонда иҳота дарахтзорларига асос солинган.

Қолаверса, бугунги кунда 948 тонна саксовул ва бошқа чўл ўсимликларининг уруғлари жамғарилиб, 225 гектарда шу ўсимликлар ниҳолхоналари ташкил этилган. Уларнинг умумий майдони 1,3 минг гектарга етказилиб, жами 120 млн. туп ниҳол ва кўчат етиштирилди. Мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида эса сўнгги уч йилда экилган 630 миллион туп дарахт ва бута кўчати янги яшил ҳудудлар барпо этиш билан бирга, юртимиз иқлимини мўътадил сақлашга, она табиатни асраш, халқимиз саломатлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюцияда акс этган конструктив таклифлар глобал муаммоларни бартараф қилиш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш имконини бериши билан ҳам эътиборга моликдир.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,**
**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ОЛИМПИЯ МАМЛАКАТИ



←1 Унда ёзилишича, эркаклар ўртасидаги бокс баҳсларида Ўзбекистон бутун мусобақа давомида устунлик қилди ва еттита олтин медалдан бештасини қўлга киритди. Хусусан, Ҳасанбой Дўсматов (-51 кг), Абдумалик Халоков (-57 кг), Асадхўжа Мўйдинхўжаев (-71 кг), Лазизбек Муллажонов (-80 кг) ва Баҳодир Жалолов (+92) чемпионликни тантана қилди. Ҳасанбой Дўсматов ва Баҳодир Жалолов эса иккинчи марта ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлишди.

"Бундан ташқари, Улуғбек Рашитов ҳам таэквондо бўйича ўзининг иккинчи чемпионлигини нишонлади. Мазкур натижа Ўзбекистонда спорт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тўғри йўсинда олиб борилаётганидан далолат беради", дейилади мақолада.

Яна бир унутилмас воқеа 26 ёшли дзюдочи Диёра Келдиёрова билан содир бўлди. У Парижда 52 килограммгача бўлган вазн тоифасида япониялик машҳур курашчи Ута Абэни, француз Амандин Буюшарни ва косоволик Дистрия Красничини мағлубиятга учратиб, Олимпия ўйинлари олтин медалини қўлга киритган илк ўзбекистонлик аёл спортчига айланди.

"Кумуш медалларни таэквондо бўйича Светлана Осипова, оғир атлетикада эса Акбар Жўраев қўлга киритди. Бронза медалларига дзюдо бўйича Музаффарбек Тўрабоев (-100 кг), Алишер Юсупов (+100 кг), шунингдек, эркин кураш бўйича Ғуломжон Абдуллаев (-57 кг) эга чиқди", деб таъкидланган материалда.

"lagazetteaz.fr" ахборот агентлиги мухбирининг ёзишича, Парижда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси аъзолари спортнинг сувга сакраш, камондан отиш ва хотин-қизлар кураши турларида дебют қилди ҳамда мамлакатнинг спорт салоҳияти юксалиб бораётганини намойиш этди. Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоасининг ёзги Олимпия ўйинларига қўлга киритган илк йўлланмаси мамлакатда жамоавий спорт турлари ҳам ривожланаётганини кўрсатди.

"2024 йилги ёзги Олимпия ўйинлари Ўзбекистоннинг юксак спорт салоҳиятига эга мамлакат эканини билиш имконини берди. Халқаро жамоатчилик 2028 йилда АҚШнинг Лос-Анжелесида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида ўзбекистонлик спортчиларнинг чиқишларини интизорлик билан кутади", дея қайд этган "lagazetteaz.fr" журналисти.

Нуфузли "Le Figaro" газетаси сайтига жойлаштирилган Ўзбекистоннинг "Париж — 2024" Олимпия ўйинларидаги оламшумул ғалабаларига бағишланган мақолада таъкидланганидек, ўзбек спортчиларининг натижалари бутун дунёни ҳайратда қолдирди. "Ўзбекистоннинг Парижда 13 та медаль, жумладан, 8 та олтин билан умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллаши мамлакатнинг спорт бўйича сиёсатидаги ўзига хос стратегиянинг самараси бўлди", дейилади нашрда.

Газетада таҳлилчи Лукас Обиннинг қуйидаги сўзларидан иқтибос келтирилган: "Баъзи давлатлар ўз спортчиларини маълум бир спорт турларига чуқур ихтисослаштириб, Олимпия ўйинларида самарали натижалар кўрсата олишади. Масалан, Ўзбекистон, шунингдек, бир нечта спорт турларини ривожлантиришда ижобий натижаларга эришган Қозоғистон, Озарбайжон ва Грузияни қайд этиш мумкин".

**«Дунё» АА.**
Париж

# ЯНГИЛАНИШЛАР АҲОЛИ ҲАЁТИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

*Президентимиз раислигида Бухоро вилоятига қилинган ташриф натижадорлигини ошириш, муқобил энергия манбаларини жорий этиш ҳамда саноат корхоналари учун жозибадор шароитларни яратиш чора-тадбирлари юзасидан куни кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида долзарб масалалар муҳокама қилинди. Туманларни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.*

## Муносабат



Давлатимиз раҳбари йиғилишда муаммоларни бирма-бир санаб, уларни ечиш йўлларини кўрсатиб ўтди. Шулардан биринчиси, бу — хизматларни ривожлантириш. Чунки вилоятда 584 та меҳмон уйи, 122 та умумий овқатланиш, 18,5 мингта савдо, 30 та саломатлик ва фитнес маркази бор.

Бухоронинг таомлари машҳур, лекин ҳар минг кишига тўғри келадиган ошхона ва ресторанлар сони Самарқанддагидан 10 карра кам. Юртимизга сайёҳлар оқими ошиб бораётган бир пайтда бу борада сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Туризм дунёда умумий фаровонлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили, десак, янглишмаймиз. Сўнгги йилларда вилоятда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар туфайли бу ерга келаётган сайёҳлар оқими йил сайин ортмоқда. Энди Бухорода йилига 5 миллион хорижий сайёҳ келиши учун шароит яратиляпти. Бунинг учун шаҳар марказида "Боқий Бухоро" маданий этнографик парки ва янги аэропорт қурилиши бошланди. Бу, ўз навбатида, вилоятнинг нафақат бой тарихий маданий меросини муҳофаза қилиш, унинг замонавий қиёфасини яхшилаш, пировардида аҳоли реал даромадини ошириш ва фаровонлигини таъминлашга замин яратади.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда саноат зоналарида ер ажратишни енгиллаштириш, бунга хизмат кўрсатишни ҳам қўшиш таклифини қўллаб-қувватлади. Бундан буён сервис жойларини сотиб олиш учун алоҳида кредит тури — "хизмат ипотекаси" йўлга қўйилади. Тадбиркорликка эътибор кучаяр экан, уларни электр қуввати билан таъминлашга ҳам эҳтиёж ошиши табиий. Шунинг учун йиғилишда энергиядан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида урғу берилди.

Яна бир эътибор қаратиш мумкин бўлган жиҳат. Вилоятда 1,5 миллион тонна мева-сабзавот тайёрланади. Бу — Бухоро эҳтиёжидан 2 баробар кўп. Лекин уларнинг атиги 11 фоизи қайта ишланади, 30 фоизи ташишда исроф бўлади. Вилоятни 4 та кичик агрологистика маркази қуввати 66 минг тонна маҳсулотни қайта ишлашга етади, холос. Шу боис Президентимиз ҳар бир туманни саноат тармоқларига ихтисослаштириш зарурлигини таъкидлади. Масалан, Жондор туманида уй текстили бўйича 3 мингга яқин хотин-қизларда етарли тажриба бор. Вобкент туманида войиш усулида узум, гул ва кўчат етиштириш йўлга қўйилган.

Бухоро туманида 27 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга янги корхона ишга тушган. Шу каби ҳар бир туман ихтисослашувидан келиб чиқиб, хомашё, инфратузилма, кадр ва бозор масалаларини қамраб олган дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Аммо мазкур режа ва мақсадларнинг рўёби учун профессионал кадрлар зарур. Кўп ҳолларда касбга ўқитиш меҳнат бозоридаги талаб ва ёшларнинг қизиқишини ҳисобга олмасдан, мавжуд ўқитувчилар доирасида амалга ошириляпти.

Президентимиз белгилаб берган вазифалар, кўрсатмалар ижроси халқимиз оғирини енгиллаштириш, одамларни даромадли иш билан таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, ҳудуд тараққиётига йўл очади. Вилоятни ривожлантириш, халқни рози қилиш бўйича белгилаб берилган аниқ вазифалар халқ вакили сифатида биз, депутатлардан ҳам катта масъулият талаб этади. Бу жараёнда ушбу вазифалар ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтирамиз.

**Шерзод РАҲМОНОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

## ДИЛ СЎЗИ

# МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ИШЛАШГА УНДАЙДИ

*Бугун тадбиркорлик соҳаси миллий иқтисодиётнинг ҳақиқий таянчига айланди. Буни, жумладан, ялпи ишлаб чиқаришнинг 46,5 фоизи айни соҳа вакиллари ҳисобига тўғри келаётган бизнинг вилоятимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни кўрсаткич негизида эса жойларда фаолият олиб бораётган ва ярим миллионга яқин кишиларнинг бандлигини таъминлаган 38 мингдан зиёд кичик бизнес ва ишбилармонлик субъектларининг меҳнати турибди. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозорни тўлдиришдан ташқари кўплаб миқдорда экспортга чиқарилаётгани кишини янада қувонтиради.*



Тадбиркорлик давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса, етарли шарт-шароит яратиб берилмаса, бизнес юритиш унча осон кечмаслигини бу ишга қўл урган инсонлар жуда яхши билишади. Шу жиҳатдан олганда, юртимизда яратилган қулай сармоявий муҳит, соҳа учун белгилаб қўйилган имтиёз ва преференциялар, хусусан, солиқ, божхона хизматлари, экспорт борасидаги енгилликлар бизнесимизга қанот бўлаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бизнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизнинг ҳозирги даражага етишида ҳам ушбу омиллар катта роль ўйнаганини мудом такрорлайман. Тўрт юздан ортиқ кишилар меҳнат қилаётган цехларимизда, асосан, болалар учун қишки кийимлар тикамиз. Бир йилда 250 минг дона кийим-кечак ишлаб чиқарамиз.

Эътиборлиси, маҳсулотларимизнинг асосий қисми экспортга чиқарилмоқда. Биргина ўтган олти ойнинг ўзида Россия ва МДҲ давлатларидаги буюртмачиларга 3 миллион долларликдан кўпроқ маҳсулот юбордик.

Меҳнатларимиз эътироф этилиб, давлат мукофотига лойиқ кўрилганим жамоамизни беҳад суюнтирди ва фаолиятимизга катта мотивация берди. Айтмоқчиманки, бундай юксак эътибор янада масъулият билан ишлашга, билдирилган ишончга муносиб бўлишга ундайди, навбатдаги лойиҳаларимизни амалга оширишга шижоат бағишлайди.

**Абдулҳамид МЎМИНОВ,**
**Наманган вилоятининг Давлатобод туманидаги «Саодат саноат сервис» МЧЖ раҳбари,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби.**

## Пахта-тўқимачилик кластери:

# ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ ЯРАТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қишлоқ хўжалигида ҳаётбахш ислоҳотларга киришилгач, 2018 йили мамлакатда биринчи бўлиб Риштон туманида пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилди. Эзгу мақсад ижобати йўлида туман фермерлари билан астойдил иш бошлаб, ўтган қисқа вақт мобайнида ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорлик аввалги 28 — 30 центнер ўрнига, ўртача 45 — 50 центнергача ошишига эришилди.*



Энг муҳими, пахтачиликда илм-фан ютуқлари, инновациялар кенг жорий этилди. Юзлаб замонавий ва юқори унумли техникалар харид қилинди, ерга ишлов бериш ва агротехник тадбирларни амалга оширишда мутлақо янги тизим яратилди.

Натижада етиштирилган хомашёни тўлиқ қайта ишлаш, яъни қўшимча қиймат занжири яратиш тизими йўлга қўйилди. Ҳозирда кластер корхонасида 700 нафарга яқин фуқароларнинг доимий бандлиги таъминланган. Биргина ўтган йилнинг ўзида 7,1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

2023 йил лойиҳа қиймати 32 млн. доллар бўлган янги корхона ишга туширилди. Бу корхона йилига 20,6 минг тонна калава ип, мато, момиқ сочиқ, чойшаб маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, йилига 30 млн. долларлик экспорт амалга оширилиши кўзда тутилган. Германия, Италия, Туркия ҳамда Франциядан келтирилган юқори технологик ускуналар ўрнатилган корхонада 500 дан зиёд доимий иш ўринлари яратилди.

Ишлаб чиқариш жараёнида энергия тежамкор технологиялар қўлланиб, корхона ҳудудида умумий қуввати 212 кВт/с бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Бундан ташқари, илғор техник ва технологик қурилмалардан фойдаланиб, ишлатилган сувни тозалаш тизими жорий этилди ҳамда тозаланган сувнинг 70 фоизини қайта ишлатиш имконияти таъминланди.

Шу йилнинг якунига қадар истиқболли лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида қўшимча 10 млн. доллар инвестиция жалб этилиши ҳисобига яна 500 та янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Ҳозирги кунда фармацевтика йўналишида 45 млн. доллар, ёғмой ишлаб чиқариш йўналишида 5 млн. долларлик инвестиция лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Куни кеча Президент Фармонига кўра Тадбиркорлар куни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида "Дўстлик" ордени билан мукофотландим. Бу камтарона ютуқларимиз эътирофи, келгуси ишларимиз учун рағбатдир.

**Магомед КОСТОЕВ,**
**Риштон туманидаги «Kosto Line Holding» МЧЖ таъсисчиси,**
**«Дўстлик» ордени соҳиби.**

**Статистика агентлиги маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь — июнь ойларида суғурта хизматлари ҳажми 4,2 трлн. сўмни ташкил этган.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



## ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ҚУЛАЙ, ИҚТИСОДИЁТИ БАҚУВВАТ ВА ФАРОВОН МАМЛАКАТГА АЙЛАНМОҚДА





1 Давлатимиз раҳбари 2021 йилдан буён ҳар йили август ойида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, бизнес вакилларида ечимини кутаётган, йиғилиб қолган муаммоларини тинглаб боради. Шу асосда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш, соҳани ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Бизнесни молиялаштириш, солиқ, ер, инфратузилма ва тадбиркорлик фаолиятига аралашувни қисқартириш борасидаги муаммолар тизимлаштирилиб, уларни ҳал этишга оид таклифлар ишлаб чиқиляпти. Хусусан, 2021 йилда илк очиқ мулоқот доирасида 57 та, 2022 йилда 55 та, ўтган 2023 йилда эса 56 та ташаббус илгари сурилиб, ижобий ечим топди.

Қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар бизнес эгалари фаолияти ривожига катта таъсир кўрсатмоқда. ҚҚСни 12 фоизга тушириш, уни қайтариш муддатини 7 кунгача қисқартириш, 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган айланмадан олинадиган солиқ ўрнига 4 фоиз микдорида ягона солиқ ставкасини жорий этиш каби солиқ ислоҳотлари амалга оширилди. Бундан ташқари, ер участкалари ёки мол-мулкни ажратиш тўғрисидаги қарорни фақат суд орқали бекор қилиш тартибининг жорий этилиши тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлаш механизмларини кенгайтириб берди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган жами 3 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ҳам бу йўналишдаги ислоҳотлар кўламидан дарак беради.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори келгусида ҳам ҳар йилги очиқ мулоқотни янада юқори савияда ўтказишни назарда тутади. Қарор ижроси асосида жорий йилги мулоқотни уюштириш бўйича республика комиссияси тузилиб, ҳудудий ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Президентнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти олдидан жойларда ишбилармонлар иштирокида учрашувлар ўтказилиб, 20 август — Тадбиркорлар кунини кенг нишонлаш чоралари кўрилмоқда. Эътиборлиси, ушбу байрам арафасида тадбиркорларни давлат мукофотлари билан тақдирлашдек эзгу анъанага ҳам асос солинди. Куни кеча давлатимиз раҳбарининг Фармон ва фармойишига кўра 37 нафар юртдошимиз турли орден ва медаллар, 104 нафар илғор бизнес вакили “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — Бизнес-омбудсман маълумотига кўра, мамлакатимиз ўз олдига 2027 йилга бориб, хусусий секторнинг ЯИМдаги улушини 80 фоизга, экспортдаги ҳиссасини 60 фоизга етказиш каби улкан мақсадларни қўйган.

Таъкидлаш жоизки, очиқ мулоқот янги даврнинг ўзига хос белгисидир. Зеро, елка тутиб, қўллаб-қувватловчи борлигига ишонч ҳар бир тадбиркорни янада улкан шаҳд билан меҳнат қилиш, ташаббусларини юзага чиқаришга ундайди. Буни англаб меҳнат қилишгани учун ҳам хусусий сектор вакиллари фаровонлик йўлида дадил режалар тузмоқда. Мулкчилик ривожи йўлидаги барча ҳаётий чора-тадбирлар мамнуният мезони ҳамдир.

### Аниқ ва самарали ислоҳотлар

Ўзбекистонда тўпланган банк тизимини ўзгартириш тажрибаларига назар солсак, марказлашган режали ва давлат бошқарувидан воз кечилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Мамлакатимиз молия тизимини бозор тамойилларига ўтказиш учун давлат тижорат банкларини қайта қуриш ва хусусийлаштириш каби кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириляпти.

2020 йилда банк тизимини ислоҳ этишнинг миллий стратегияси яратилиши тижорат банкларини трансформациялаш ишларини жадаллаштирди. Ўша йил 12 майда “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг



**Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори, профессор.**

банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони имзоланиб, банк секторини ислоҳ этиш бўйича кенг қамровли стратегия асосида тижоратга асосланган бизнес моделларига ўтишда сезиларли натижаларга эришилди.

Молиявий секторни изчил ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида, биринчи навбатда, илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳит яратилди. Банк секторида давлат аралашуви камайтирилиб, менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини оширишга эътибор қаратилди. Банкларнинг иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожланишига тўсқинлик қилаётган иқтисодиётда молиявий воситачилик даражаси пастлиги каби қатор тизимли муаммолар босқичма-босқич ҳал этиб борилди. Молиявий хизматларнинг оммабоплиги оширилди, банкларнинг ҳудудларга кириб бориши кенгайди ва барча аҳоли пунктида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича етарли чоралар кўрилди.

Банк тизимига замонавий сервис ечимлари, жумладан, ахборот технологиялари, молиявий технологиялар кенг жорий этилмоқда, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инсон омили билан бажариладиган ишларни автоматлаштириш, ортиқча меҳнат сарфининг олдини олиш ва банк активлари сифатини яхшилаш ҳамда харажатларни камайтириш орқали банкнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган янгиликлар жадал татбиқ этиляпти. Хусусан, тижорат банклари орасида биринчилардан бўлиб “Микрокредитбанк” “iABS” дастурида ишловчи “QR-Инвентаризация” модулини банк амалиётига татбиқ этди. Натижада банк balансидаги фойдаланилаётган асосий воситалар ҳисоби (кирим/чиқими)ни аниқ юритиш тизими автоматлаштирилди. Шунингдек, мобиль илова орқали “Инвентаризация” қилиш йўлга қўйилди.

Истиқболли инвестиция лойиҳаларида тижорат банклари иштирокини кенгайтириш, банк тизими барқарорлигини таъминлаш, хатарларни халқаро ташкилотлар ва халқаро молия институтлари талабларига мувофиқ бошқаришга асосланган банк назорати тизимида пруденциал чора-тадбирларни қўллашнинг қонунчилик асослари такомиллаштирилди.

“Fitch Ratings” ўз таҳлилларида маълум қилишича, Ўзбекистонда асосий ислоҳотлардан бири давлат банкларининг аксарияти йўналтирилган кредитлашдан воз кечиши ва тижорат операцияларини ривожлантириш учун хусусийлаштирилиши бўлди. 2025 йилнинг охиригача амалга ошириладиган ислоҳотлар банкларнинг корпоратив бошқаруви ва рискларни бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, пруденциал тартибга солишни такомиллаштиришни ўз ичига олади.

Осиё тараққиёт банки “Осиё тараққиётининг 2024 йил учун шарҳи” ҳисоботида Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича янги прогнозларида жорий йилда ЯИМда 5,5 фоизлик ўсиш кутилаётганини маълум қилди. 2025 йилда эса бу кўрсаткич 5,6 фоиз бўлиши эҳтимоли яқинлигини қайд этди. Бу ҳам бўлса иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётимиздаги яна бир ижобий аксидир.

> ***Осиё тараққиёт банки “Осиё тараққиётининг 2024 йил учун шарҳи” ҳисоботида Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича янги прогнозларида жорий йилда ЯИМда 5,5 фоизлик ўсиш кутилаётганини маълум қилди. 2025 йилда эса бу кўрсаткич 5,6 фоиз бўлиши эҳтимоли яқинлигини қайд этди.***

### Валюта бозорини либераллаштириш — муҳим қадам

Кейинги йилларда барча жабҳада бўлганидек, валюта бозорини либераллаштириш, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш борасида тизимли чоралар кўрилди. “Буюк ўтмишдан — буюк келажак сари” тамойили остида иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг янги даври бошланиб, миллий иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаш ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси учун шарт-шароитлар яратилди. Валюта бозорининг эркинлаштирилиши бу борада хусусий инвесторлар учун ҳам муҳим имконият бўлди.

Давлатимиз пул ва унинг негизида миллий валюта тизимига эга. Алмашинув курсини белгилаш, валюта бозори ва унинг инструментлари, халқаро тўлов тизимининг мавжудлиги миллий валюта тизимининг зарур элементлари ҳисобланади. Ушбу имкониятларнинг тараққий эттирилиши халқаро иқтисодий алоқалар ва унинг негизида иқтисодиёт ривожи, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, яқин йилларга қадар халқаро экспертлар Ўзбекистон иқтисодиётини ёпиқдек таснифлашар эди. Валюта операцияларида чекловлар, расмий ва унга ёндош равишда бозор курсларининг амал қилиши, нақд пул ва электрон пул ўртасидаги тафовут иқтисодиётимиз ривожига сунъий тўсиқ бўлиб келгани ҳам сир эмас. Бу ҳамкор давлатлар билан алоқалар, халқаро логистика борасида муаммоларга ҳам сабаб бўлар эди. Импортчи компаниялар турли комиссия тўловлари ва биржа курслари сабабли валютага бозор курсидан кўпроқ маблағ тўлашга мажбур эди, кўпроқ ресурс ва вақт сарфларди.

Ушбу важлар сабаб мамлакатимизда мазкур салбий ҳолатларга барҳам беришга эътибор қаратилди. Ўзбекистон Марказий банки алмашинув курсларини унификация қилди ва валюта бозорини эркинлаштирди. Миллий валютамиз — ўзбек сўмининг ягона курси шаклланди, тадбиркорларнинг ўз фаолиятини халқаро даражада кенгайтириш йўли ҳам осонлашди.

Барча тадбиркорлик субъектларига валютани банклар орқали бозор шартларида харид қилиш учун тенг имконият юзага келгандан сўнг бозорда иштирокчилар сони кўпайди, соғлом рақобат ошди, ушбу операциялар учун самарали курс, унинг эркин хариди осонлашиши ва шаффофлиги ҳисобига бирмунча тушди. Валюта сиёсатининг ижтимоий аҳамиятга молик истеъмол товарлари нархлари барқарорлигини таъминлаш билан уйғунликда амалга оширилишида ҳукуматимизнинг халқчиллиги тўла-тўкис намоён бўлди. Ўз навбатида, божхона тўловлари уйғунлашди.

Бугун ички валюта бозорини янада ривожлантиришда қандай йўналишлар самара беради? Ушбу саволга атрофлича жавоб қайтариш мумкин. Айни пайтда Марказий банк ички валюта бозорининг асосий иштирокчиси бўлиб, валюта таклифини таъминлашдаги роли юқоридир. Бироқ ички валюта бозорини ривожлантириш жараёнида босқичма-босқич Марказий банк ролини камайтириш ва тижорат банкларининг маркет-мейкер ролини кенгайтириш мақсад қилиб олинган.

Маркет-майкерлар, ўз навбатида, бозор ликвидлигини ошириш ва валюта таклифи ҳамда талабини таъминлаш орқали мувозанатли валюта курсини аниқлашга ёрдам беради. Маркет-майкерлик ролини бажарувчи банклар сонининг ортиши банклараро валюта бозори фаолияти самарадорлигини кўтаришга хизмат қилади. Шунингдек, бугунги кунда ички валюта бозоридаги операциялар бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминловчи ва хатарларни ўзига олувчи, бозор иштирокчилари ўртасида воситачи вазифаларини бажарувчи марказий контрагент функцияси Марказий банкда бўлиб, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда бу вазифани Республика валюта биржасига юклаш режалаштирилган.

Келгусида ички валюта бозорини янада ривожлантириш ҳамда корхоналарнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи зарбалар таъсирини юмшатиш, валюта рискларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон республика валюта биржаси савдоларида хеджерлаш инструментлари (своп, фьючерс ва бошқалар) жорий этилиши кўзда тутилмоқда. Рақобат муҳитини янада яхшилаш, юридик шахсларга таклиф қилинаётган валюта сотиш ва сотиб олиш курсларининг жозибадорлигини ошириш, ички валюта бозорида тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектларга зарур бўлган маблағларни ўзлари истаган банк орқали сотиш ёки сотиб олишда янада кенг қулайликлар яратишга эътибор қаратилади.

Тижорат банклари томонидан валюта биржаси ва мижозлар билан чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш операцияларини амалга оширишда манипуляция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида жаҳон валюта бозори иштирокчиларининг умумэътироф этилган валюта бозорида амалга ошириладиган энг намунали амалиётларни ўз ичига олган “Этика кодекси”нинг ишлаб чиқилишини жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

### Конвертация тизимида мутлақо янгича ёндашув

Юртимизда валюта бозоридаги ислоҳотлар ва тижорат банкларини комплекс трансформация қилишга қаратилган қатор вазифалар ижроси доирасида тизимнинг барча йўналишини тубдан ислоҳ этишга эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз етакчисининг конструктив ташаббуслари боис узоқ муддатга мўлжалланган натижалар таъминланиб, халқ ҳаёти, тадбиркорлар фаолиятида катта ижобий ўзгаришлар ясамоқда.

Айни пайтда юридик шахслар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган турли мақсадлар учун, жумладан, ташқи савдо шартномалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хориж валютасини ўз ҳисоб рақамлари мавжуд банкдан ҳам сотиб олиш имкониятига эга. Масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидаги махсус функционал орқали операциянинг мақсадли хусусиятлари акс этган ҳужжатни илова қилган ҳолда зарур валютани ўз ҳисоб рақамларига тушириб олиши мумкин. Яъни банкда шахсан иштирок этмасдан амалга оширилиши мумкин бўлган қулайликлар улар фаолиятида вақтни тежаш, сифатли хизматдан фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Тижорат банкларига Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан устав капиталига конвертация қилиниши кўзда тутилган кредит линиялари жалб этилган. Юртимиз тижорат банкларида “Тезкор конвертация” хизмати ишга туширилиши қисқа муддатда чет эл валютасини сотиб олиш ва хорижий ҳамкорлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга имкон беради. Ариза топширишдан тортиб чет элда ҳисоб-китоблар қилишгача бўлган барча жараён масофавий, банк орқали амалга оширилади. Мижозлар ва уларнинг бухгалтерлари аввалги даврлардагидек соатлаб банкда вақт сарфлашмайди. Зеро, инвестициялар оқимини ошириш учун энг катта қадам конвертация масаласининг ҳал этилишидир.





Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Жадал инвестиция сиёсати

Ривожланаётган мамлакатларнинг бозорга йўналтирилган сиёсатга ўтиши бутун дунё бўйлаб тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар динамикасига таъсир ўтказмай қолмайди. Айни пайтда Ўзбекистон тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, қулай бизнес муҳити, инвесторлар ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунчилиги ва мослашувчан сиёсати билан алоҳида ажралиб турибди. Қолаверса, давлат сиёсатини юритишнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, ҳукумат маълум бир муддат ичида амалга оширилиши лозим бўлган стратегик режаларни таклиф қилади. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакатни ривожлантириш кун тартибидан ўрин олган ана шундай улкан ва натижага йўналтирилган мақсадлардан бири саналади.

Ушбу стратегияда мамлакатни ўрта даромаддан юқори бўлган иқтисодиётга айлантириш учун 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган аниқ вазифалар ва мақсадлар белгиланган. Бу мақсадга етишнинг муҳим омили эса инвестиция муҳитини яхшилашдир.

Ҳукуматимиз капитал бозорлари билан бирга мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни ният қилган. Бунга эришиш учун 250 млрд. доллар миқдорида, жумладан, 110 млрд. доллар хорижий инвестициялар ва давлат-хусусий шериклик доирасида 30 млрд. долларлик инвестициялар жалб этиш таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, ҳудудларни сармоядорлар учун жозибадор кўрсатиш мақсадида уларнинг инвестиция рейтингини сақлаб қолиш долзарб вазифа этиб белгиланган.

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатларида жиддий пасайиш кузатилаётгани бор гап. Ана шундай шароитда Ўзбекистон миллий иқтисодиётда катта миқдорда инвестициялар киритилишига кўмаклашадиган чуқур таркибий ислоҳотлар ўтказишга интилмоқда. Ҳукумат қарори билан халқаро тажриба, республика иқтисодиёти, унинг тармоқ ва ҳудудлари инвестиция жараёнлари ривожланишидаги тенденция ҳамда муаммолар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг 2025 йилгача инвестиция сиёсати стратегияси тайёрланди.

Мазкур стратегияда нималар режалаштирилган? У мамлакатимизда айнан инвестиция фаолиятини кучайтириш, тегишли муҳитни яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. 2025 йилгача инвестиция сиёсатининг мақсади — иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва мувозанатини ошириш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш, ҳудудларни тараққий эттириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш.

Стратегиянинг асосий вазифалари учта муҳим йўналиш бўйича белгиланган, яъни инвестиция муҳитини яхшилаш, ички инвестиция манбаларини кенгайтириш ва инвестиция манбаларининг натижадорлигини ошириш, самарали чора-тадбирларни қўллаш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш.

2025 йилгача инвестицияларнинг асосий манбалари тўғридан-тўғри инвестициялар, жумладан, давлат-хусусий шериклик, давлат инвестициялари ва корпоратив қимматли қоғозлар сармоялари бўлади. 2019 — 2025 йилларда амалга оширилаётган ҳамда истиқболли янги инвестиция лойиҳалари доирасида 1002,5 млрд. сўмдан ортиқ марказлаштирилмаган инвестициялар ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, қарийб 30 фоизи корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилдаги 30,5 фоиздан 2025 йилда 37,5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Шунингдек, 2025 йилда жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар миқдори 11 млрд. АҚШ долларига етказилади, бу кўрсаткич 2018 йилда 1,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган.

Аёнки, ислоҳотларнинг бош мақсади керакли чораларни олдиндан кўра билишдир. Тафаккур қиладиган бўлсак, мазкур дастурий ҳужжатлар мамлакатимизнинг ютуқларга, натижаларга эришиш режаси ҳамдир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ҳар бир йил улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш даври бўлиб қолмоқда.

Тўғри, ўзгаришлар ҳеч қачон осон кечмайди, буни ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин янги Ўзбекистонни барпо этиш ушбу машаққатларга арзийди.

**Ўзбекистон миллий анъаналари ва сайёҳлик имкониятлари Россиянинг Свердловск вилоятида ўтказилган «Ирбит» XII минтақалараро кўргазма-ярмаркасида намойиш қилинди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 12 771 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабbooев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6